

## ТУРИЗМДА ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Комилов Достон

Урганч Давлат университети, «Туризм» мутахассислиги 2- курс магистранти

**Аннотация:** Мақолада “диверсификация” тушунчасининг мазмун моҳияти, диверсификация стратегиялари, туризмда диверсификацияларнинг турлари ва бири-бири билан боғлиқлиги жиҳатлари ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** туризм, диверсификация, стратегия, компания, туризм хизматлари.

**Аннотация:** В статье описывается значение понятия «диверсификация», диверсификационные стратегии, виды диверсификации в туризме и аспекты их взаимосвязи друг с другом.

**Ключевые слова:** Туризм, диверсификация, стратегия, компания, туристические услуги

**Abstract:** This article tells us about the concept of "diversification", diversification strategies, types of diversification in tourism and their interconnections to each other.

**Key words:** Tourism, diversification, strategy, company, tourism services.

Жаҳон туризмида диверсификация сезиларли тенденцияга айланмоқда (янги лотинда- *diversificatio*-ўзгариш, турли-туманлик; лотинчада-*diversus*-ҳар хил ва *facere*-килиш). Диверсификацияни қуйидагича тушуниш мумкин: қандайдир маҳсулот ва хизматга ихтисослашган тор ишлаб чиқаришдан воз кечиб, фаолиятни кенгайтириб, турли-туман маҳсулотлар ва хизматларни яратиш ихтисослигига ўтиш ва ривожлантириш: фаолият соҳаларини кўпайтириш, фаолияти билан боғлиқ бўлмаган тармоқлар билан ишлашнинг уддасидан чиқиш, бозордаги сегментини кенгайтириш ва бошқ[1, 46 с]

Диверсификация жараёнлари компания фаолиятидаги муҳим таркибларни (тайёр маҳсулот, компаниянинг тармоқдаги ўрни, бозордаги реализация ва бошқ..) модификациялаш билан мустаҳкам боғланган. Компаниянинг диверсификацияси ички ва ташқи бозор эгилувчанлигида янги ютуқларга эришишнинг асоси бўлади. Диверсификация ҳақидаги оқилона қарор жорий йилдаги кутиладиган натижалар учун ҳам, келгусидаги башоратларда кутиладиган натижалар учун ҳам қабул қилиниши мумкин. Диверсификацияларнинг стратегияларини тарқатиш қуйидаги ҳолатларда мақсадли бўлади:

- Бизнеснинг ривожланиши салоҳиятлари сезиларли пасайиш бошлаганда;
- Бошқа тармоқда фаолият кўрсатиш учун имкониятлар пайдо бўлганда;
- Ишлаб чиқаришда чиқимларнинг кўпайиши;
- Катта ресурсларнинг (жумладан, ташкилий) мавжудлиги.

Диверсификацияларнинг стратегиясини ишлаб чиқишда қуйидаги мезонлар диққат ва эътиборда бўлиши керак:

- Компаниянинг ҳозирги ва келгусидаги жозибадорлиги;
- Компаниянинг бошқа тармоқларга кириши учун харажатлар ҳисоб-китоби;

Шундай қилиб, диверсификацияларни ҳақиқий тушуниш, компаниянинг фаолиятларини янги соҳаларга таъсирини тарқатиш жараёнлари билан боғлиқликдан иборатдир, деб хулоса қилиш мумкин. Агар компания ўз олдида қўйган мақсади ва вазифаларини бажариш бўйича кутиладиган даромадларини юқори даражаларда сақлаб туриш имкониятларига эга бўлса диверсификациялар янги стратегик мақсад бўла олмайди ва унга эҳтиёж ҳам йўқ деб ҳисоблашилади[2, 68 с].


1. Горизонтал диверсификациялар стратегияси- янги технологиялардан фойдаланиб янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш.

2. Марказлаштирилган диверсификациялар стратегияси- корхонадаги мавжуд технологиялардан фойдаланиб янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш.

3. Конгломератли диверсификациялар стратегияси-бу стратегия янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайди. Бу янги маҳсулотлар олдинги маҳсулотларни ишлаб чиқараётган технологиялар билан боғлиқ эмас.

Туризмнинг борлиги ва ривожланишидаги шароит жуда кўплаб омилларнинг таъсири билан боғлиқ бўлиб жамиятда доимий равишда юзага келиб чиқадиган вазиятларга, геосиёсий ва бошқа шароитларга мослашишнинг заруриятини талаб қилади. Бу мослашишда турли кучларга эга бўлганлар ва доимий, ўзгарувчан таъсирларнинг давомийлигига чидаганлар туризмнинг динамик ривожланишини аниқлайдилар ва жаҳонда, шунингдек, регионларда ва алоҳида давлатларда туризмнинг ўзига хос бўлган таркибини шакллантирадилар.

Диверсификациянинг турлари тўғрисида мамлакатимиз олимларидан М.Қ.Пардаев, Т.Х.Мамасоатов, О.М.Пардаевлар диверсификациянинг учта тури мавжзулигини таъкидлайди. Буларга: жамланма диверсификация, горизонтал диверсификация ва вертикал диверсификацияларнинг кириши исботланган[3]. Биз туризмнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, уни иккита йирик гуруҳга бўлишни ва улар таркибини қуйидаги турларга ажратишни тавсия қиламиз (1-расм).





**1-расм. Туризмда диверсификацияларнинг турлари ва бири-бири билан боғлиқлиги**

Туризм тизимига тўғридан-тўғри ва ёнлама таъсир қиладиган жамиятининг ҳаёт кечириши шароитларида рўй бераётган саёравий жараёнлар ва ўзгаришлар ташқи ёки экзоген омиллар ҳисобланади. Буларга табиий-иқлим, маданий-тарихий, ижтимоий-иқтисодий, демографик, сиёсий-ҳуқуқий, илмий-техник, экологик, географик ва этник омиллардир.

Туризмнинг ривожланишига таъсир қилувчи ташқи омиллар билан биргаликда туризм соҳасида бевосита юзага келиб чиқадиган воқеъликлар ва тенденциялар—эндоген омиллар ҳам бор. Буларга жойлаштириш воситалари, транспорт, овқатлантириш корхоналари, уларнинг жиҳозланганлиги ва мослаштирилганлиги, коммуникация тизимининг жорий қилинганлиги билан боғлиқ моддий материал-техник омиллар; туристик хизматларга талаб ва таклиф билан боғлиқ омиллар, шунингдек, технологик ва институционал омиллар киради.

Туризмга таъсир қилувчи бош омил-бозордаги улушнинг йирик компанияларнинг қўлида тўпланиши давом этаётганлиги ҳисобланади. Туризмнинг ҳозирги замонавий босқичида ривожланаётганлиги ва унинг ташкилий шаклланишидаги муҳим хусусияти эса туризм бизнесига транспорт, савдо, саноат, банк, суғурта ва бошқа компанияларнинг кириб, кучайиб бораётганлиги ҳисобланади[4]. Глобаллашув дунёдаги регионлар ва мамлакатларнинг инсон ресурслари, хизматлар, товарлар, молия, технологиялар, билимлар, ва ахборотларнинг бутун оқими билан алмашинувларини жалб қилиб, уларнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракатлари ва бирга яшашидаги янги, принципиал шароитларни яратади.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, замонавий туризмнинг асосий хусусиятлари шундан иборатки, бугунги кунда индивидуллаштирилган туристик маҳсулотга эҳтиёж тобора кучайиб бормоқда. Туризмни ривожлантириш ва диверсификация қилишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини тадқиқ қилишнинг ўзига хос хусусиятларини шуни кўрсатадики, мазкур соҳада ҳали кўпгина ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Уларнинг ҳал қилиниши соҳа самарадорлигини ошириш билан бирга, янги иш жойларини яратиш орқали аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатининг яхшиланишига ҳам олиб келади ҳамда иқтисодиётнинг худудлар бўйича мутаносиб ривожланишини таъминлаш имконини яратади.

**Фойдаланган адабиётлар рўйхати:**

1. Кусков А. С., Основы туризма: учебник, Москва, КНОРУС, 2008, 46 с.
2. Кусков А. С., Основы туризма: учебник, Москва, КНОРУС, 2008, 68 с.

3. Пардаев М.Қ., Мамасоатов Т.Х., Пардаев О.М. Модернизация, диверсификация ва инновация – иқтисодий ўсишнинг муҳим омиллари. Монография. – Т.: “Наврўз” нашриёти, 2014. – 28 бет.
4. Писаревский Е.Л., Основы туризма: учебник, Москва, Федеральное агентство по туризму, 2014, 384 с.